

**МАКТАБГАЧА ЁШДА БҮЛГАН БОЛАЛАР ҚЎРҚУВИНИ ОИЛА
МУҲИТИДА БАРТАРАФ ЭТИШ**

*Андижон давлат педагогика институти
ўқитувчиси Наргиза Қодирова*

Андижон давлат педагогика институти

*Мактабгача таълим
педагогикаси ва психологияси йўналиши
талаабаси Холматова Зиёда*

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг қўрқув сабаблари, болаларда қўрқувнинг намоён бўлиши, қўрқувни олдини олиш йўллари ҳақида баён қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАРИ: Қўрқув, болалар, фарзанд, ота-она, йиғлаб юбориш, МТТ психологи, ҳис-туйғу.

Болаларда қўрқувнинг намоён бўлиши ҳар хил бўлиши мумкин ва уларнинг манбаларини тушуниш муҳимдир. Ота-оналар ва катталар болаларни қўллаб-қувватлаш, тушуниш ва хавфсиз муҳит билан таъминлаш орқали қўрқувни енгишга ёрдам беради. Болаларнинг бирор нарсадан қўрқишига табий қараймиз. Аммо болаларнинг қўрқитадиган нарсалари бизникидан кўра кўпроқдир. Демак, боланинг қўркувларига қуидагилар сабаблар бўлиши мумкин:

- тўсатдан кучли овоз ва кучли шовқин;
- афсонавий махлукот ва даҳшатли ҳайвонлар;
- уйқусида қўрқинчли тушлар кўриш;
- коронгилик;
- жанжал-уришлар;
- дадаси (онаси, бобоси, қўшни);
- ўғрилар;
- тасаввуридаги мулфтилм қаҳрамонлари;
- чуқурлик, шунингдек, зинадан пастга қараш;
- шифокор ва инексия муолажаси;
- сув, олов.

Фарзандининг қўрқаётганини билган ота-она “Ўғил бола ҳам қўрқадими?! Уят-еий!” каби сўзлар билан боланинг рухиятига шикаст етказмастилиги керак. Аксинча, унга ёрдам бериши ё улардан узокроқ сақлаш керак. Боланинг ўз қўрқувини яшириш ҳолати уялиш билан намоён бўлиши мумкун. Бунда 3-5 ёшида ота-онанинг “шундан ҳам қўрқасанми” каби сўзларини айтиши

натижасида бола уялишга ва ичидагиларни очиқ айтмаслигига сабаб бўлади ва кўз қорачиклари катта-катта бўлишига, битта нуктага қарайдиган, овози титрайдиган бўлиб қолишиб йиғлаб юбориши, яшириниб олиши, оғир ҳолатларда пешоб тута олмаслиги мумкун. Териси оқариб кетиши, қўли терлаши, тиззаларида титроқ кузатилади. Бундай ҳолатларда аввало, болани бағрингизга босишингиз ва ортиқча савол бермаслигингиз лозим. Нафаси ичига тушиб кетган болани бағрингизга босганингиздан кейин бақириб йиғлаб юборса, демак, у қўрқувини енгяпти, йиғидан тўхтатманг. ”Бўлди”, ”Йиглама”, ”Шундан хам қорқадими” деган гапларни айтманг. Унинг ўрнига ”Мен ёнингдаман”, ”Мен сени яхши кўраман”, ”Мен сенга ёрдам бераман” деган сўзларни айтиш лозим. Уч ёшдан катта болалар билан дилдан сухбат ўтказиб, қўрқувни аниқлаш керак. Сухбат тинч, осуда муҳитда бўлиши лозим. Агар ўзингиз аниқлай олмассангиз МТТ психологига мурожаат қилишингиз мумкин. Шуни унутмаслик керакки оила муҳити бола тарбиясининг ижобий ёки сал нарсага қўрқадиган бўлишига сабабдир. Муаммоли, низоли оиласаларда ўсган бола қўрқоқ ва хавотирга берилувчан бўлиб қолади. Тинчлик хукмрон оиласаларда ўсган болаларнинг руҳияти соғлом бўлади. Онанинг тушкун кайфияти, болани кўп жазолаш, ҳақоратлаш кичкинтой руҳиятини жароҳатлайди. Ҳаддан ортиқ меҳрибонлик кўрсатиш, асраб-авайлаш, ”Бир нарса бўлиб қолмадимикан” деб болани қучоқлаш кабилар кўпроқ ваҳимага солади. ”Узоққа борма, ўтирглаб кетишади！”, ”Йўқолиб қолсанг, бизни топа олмайсан！” каби қўрқувлар онанинг қўрқувини болага ”юқтиради”. Она ўзи билмаган ҳолда болада қўрқув пайдо бўлишига сабаб бўлади. Фарзандингизда қўрқув ҳисси бор-йўқлигини аниқлаш учун ”Кушлар оиласи” эртак тестидан фойдаланиш мумкин. Болага эртак айтиш асносида у билан биргаликда расм чизинг. ”Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим замонда бир қуш уясида ота қуш, она қуш ва кичкина бола қушча яшашар экан. Бир куни жуда қаттиқ шамол ту-рибди. Шамол дараҳтнинг қушча ини жойлашган шохини синдирибди, ин ерга тушиб кетибди. Ин билан бирга ерга қулаган ота бир шохга учиб бориб қўнибди. Онаси бошқа бир шохга қўнибди. Нима деб ўйлайсан, бола кимнинг олдига бориб қўнган？” деб сўраш лозим. Тўғри жавоб: ”Бола қушча бошқа бир шохга бориб қўнибди”, ”Бола қушча онасининг олдидағи шохга қўнибди. Чунки бола қўрқиб кетган экан-да”. Агар болангиз бошқа шохга қўнишни танласа, демак, у мустақил ва қўрқмас руҳият соҳибиға айланган. Отасининг олдига бориб қўнса, отаси билан яқинроқ, онасининг ёнига қўнса, онасиға кўпроқ суюнади. Муаммоли жавоб: ин қулаётганда қушча ўлиб қолибди, совукдан шамоллаб ўлиб қолибди, қушчани ҳеч ким эсламади ва у ерда қолиб очликдан ўлди. Бу жавоблар эгасининг ичидаги катта муаммо борлигини ва психологогга бориш зарурлигини билдиради.

Хулоса қилиб айтганда болалардаги қўрқув-бу таҳдиидли ёки ёқимсиз деб қабул қилиши мумкин бўлган баъзи ҳолатларга ёки нарсаларга табиий реакциядир. Қўрқув болаларга хавф-хатарлардан қочишга ва ўзларини хавфсиз сақлашга ёрдам беради. Аммо, агар қўрқув ҳаддан ташқари кўпайиб кетса ёки боланинг нормал ҳаётига халақит бера бошласа, уни енгишга ёрдам бериш муҳимдир. Бундай ҳолларда болани қўллаб-қувватлаш, тушуниш ва хистуиғуларини муҳокама қилиш имкониятини бериш орқали қўрқувни энгишга ёрдам бериш муҳимдир. Шунингдек, болаларга қўрқувни бошқариш стратегияларини ўргатиш ва ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериш муҳимдир. Шуни эсда тутиш керакки, ҳар бир бола ўзига хосдир ва унга қўрқувни энгишга ёрдам берадиган ёндашув индивидуал бўлиши керак. Бола билан очиқ мулоқотни давом эттириш, шунингдек, унинг қўрқувга мазмунли муносабатини рағбатлантириш унга хистуиғуларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир бола ўзига хосдир ва уларга қўрқувни енгишга ёрдам бериш ёндашуви уларнинг шахсий эҳтиёжлари ва хусусиятларига мослаштирилиши керак. Агар боланинг қўрқуви унинг хатти-ҳаракати ва фаровонлигига жиддий таъсир қила бошласа, психологнинг ёрдами ҳам фойдали бўлиши мумкин. Болаларнинг ҳиссий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларга қўрқувларидан хабардор бўлиш ва уларни енгишга ёрдам бериш муҳимдир ва бундан ташқари, болаларга қўрқувни бошқариш стратегиясини ўргатиш, ўз-ўзини назорат қилиш, хотиржамлик ва ўзига ишонч кўникмаларини ривожлантириш муҳимдир. Болалар билан ижобий мулоқот қилиш, уларнинг ютуқларини рағбатлантириш ва уларнинг ҳаётида иштирок етиш уларга ўзларига ишониш ва психологик барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Психолог китоби, Фоя муаллифи: Зухра Розиева Муаллифлар: Насиба Эрхонова, Шоира Исканова. Тошкент 2021
2. Захаров А.И. Как преодолеть страх у детей. М.: 1986. 112с
3. Дўстмуҳамедова Ш.А., Нишонова З.Т. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология Т.: Фан ва технологиялар, 2013
4. “Психологик хизмат” Тоскент-2014. З.т. Нишонова, Ш.Т. Алимбаева, М.В.Сулайманов.
5. Ситникова А.С. Детские страхи [Электронный ресурс. Режим доступа].